

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ДАВЛАТ САНИТАРИЯ ВРАЧИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАРБИЯЛНАЁТГАН БОЛАЛАРНИ ХАВФСИЗ ВА СИФАТЛИ ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИГА ОИД ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 июнда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 30-сон]

СанҚвАН № 0016-21

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (кейинги ўринларда — санитария қоидалари) Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «[Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида](#)»ги ва 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «[Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида](#)»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 июндаги 407-сон «[Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини таомнотлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирларитўғрисида](#)»ги қарорига мувофиқ мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг хавфсиз ва соғлом овқатланишини ташкил этиш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ҳамда овқатдан заҳарланишларнинг олдини олиш чораларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур санитария қоидалари уларнинг тури, ташкилий-хуқуқий ва мулк шаклидан қатъий назар барча мактабгача таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади.
2. Мазкур санитария қоидалари мактабгача таълим ташкилотларига қўйидаги талабларни белгилайди:
 - а) барча мактабгача таълим ташкилотларида овқатланишнинг ташкиллаштирилиши;
 - б) таомномани тузилишига оид гигиеник тавсиялар;
 - в) келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларнинг сифати ва уларни ташилиши назорати;
 - г) маҳсулотларни сақлаш ва ишлатиш муддатига амал қилиниши назорати;
 - д) ошхоналарга оид талаблар;
 - е) таомларни тайёрлаш технологияси ва сифатини назорати;
 - ж) ошхонанинг санитария-гигиеник ҳолати ва идишларни тозалаш ва ювилишини назорати;
 - з) овқатланиш рационнининг сифати, таркиби ва миқдори назорати;

3. 1 — 3 ёшдаги ва 4 — 7 ёшдаги болаларнинг овқатланишида кунлик рациондаги овқатланиш нормалари, минерал моддалар миқдори, шунингдек, бир порция овқатнинг энергия қуввати ва ҳажми фарқланади. Ушбу фарқланиш мазкур Талабларнинг [1](#), [2](#), [3](#), [6](#)-илловаларида келтирилган.

Мактабгача таълим ташкилотларида 9 — 10,5 соат давомида тарбияланаётган болалар учун тўрт мартадан кам бўлмаган овқатланиш ташкил этилади. Бунда иккинчи тушликнинг калорияси кунлик рационнинг 15 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Физиологик нуқтаи назардан тўғри овқатланишнинг асосий тартиби қўйидагicha:

Нонушта	08:30 — 09:30
Иккинчи нонушта	10:30 — 11:00
Тушлик	12:00 — 13:00
Иккинчи тушлик	15:30 — 16:00
Кечки овқат	18:30 — 19:00
Кечки тамадди	20.00 — 20.30

Мактабгача таълим ташкилотида соғлом таомнома шакллантирилишида кунлик рационда болаларнинг асосий озиқ-овқат моддаларга бўлган эҳтиёжи ва ёшига мос энергия қуввати билан тўлиқ таъминланиши, уларнинг тарбияланиш шароити ва соғлиғи, шунингдек, овқатланишнинг иқлимдан келиб чиқиб ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинади.

4. Мактабгача таълим ташкилотларининг ошхоналарида тавсия этиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати мазкур Талабларнинг [11-иловасида](#) келтирилган.

Болалар овқат рационини шакллантиришда маҳсулотлар кун давомида тўғри тақсимланиши зарур. Оқсилга бой маҳсулотлар ёғ билан берилса, бола ошқозонида узоқ вақт сақланиб турди ва кўпроқ миқдорда ҳазм қилирувчи меъда ширасини талаб қиласи, шунинг учун гўшт, балиқ, тухум каби маҳсулотлари бор таомларни куннинг биринчи ярмида нонушта ва тушликка бериш тавсия қилинади. Кечки овқатга болаларга сутли ва ўсимликлардан тайёрланган енгил ҳазм бўладиган таомлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Таомнома тузилаётганда сут, гўшт, сариёғ, ёрма, нон, мева, сабзавот, шакар каби биологик қийматга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни киритилади.

Балиқ, тухум, пишлоқ, сметана, творог маҳсулотлари кунлик меъёрларда оз миқдорни ташкил этганлиги, шунингдек, улардан ҳар куни алоҳида таом тайёрлашни имконияти бўлмаслиги сабабли таомномага ҳар куни киритилмайди, лекин ушбу маҳсулотларнинг белгиланган миқдори декада (10 кун) давомида тўлиқ берилиши шарт.

Мактабгача таълим ташкилотларининг кунлик овқатланиш нормалари болаларнинг ташкилотда бўлган вақтларида (3-4, 9 — 10,5, 12 ва 24 соат) уларнинг кунлик нормаларида белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Бироқ, ҳар бир таом учун сарфланадиган маҳсулотлар миқдори таом тайёрлаш рецептига асосланади.

Барча маҳсулотларнинг 10 кунлик харажати тасдиқланган кундалик нормаларга аниқ мос бўлиши керак (ҳисоб «Чиқитли» графасида юритилади, маҳсулотларга дастлабки ишлов беришдаги чиқиндиси ҳисобланмайди).

Болалар таомномасида сабзавотли салатлар, янги мевалар (ҳар куни), учинчи таом сифатида янги ёки қуруқ мевалардан тайёрланган компот, кисел, сутли ичимликлар, шунингдек, болалар учун сабзавотли, мевали бўтқалар кўпроқ киритилиши лозим. Болага кун давомида 2 та сабзавотли таом ва бир марта ёрмали таом берилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир сабзавотлардан аралашма гарнирлар тайёрлаш тавсия этилади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Республика санитария-эпидемиология осоишталиги ва жамоат соғлиғи хизмати билан келишилган намунавий мавсумий (кузги, қишки, баҳорги ва ёзги) таомномалар асосида таомлар тайёрланади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида таомларни тайёрланишда мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқлангин «Мактабгача таълим ташкилотлари учун таомлар рецепти» тўпламига қатъий амал қилган тартибда маҳсулотларини миқдори киритилиши ва таом тайёрлаш технологиясини бажарилиши талаб этилади.

Колган барча нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари хам юқоридаги намунавий мавсумий таомномалар ва мактабгача таълим ташкилотлари учун таомлар рецепти» тўпламидан фойдаланиши мумкин.

5. Таомномаларга киритилган таомларнинг маҳсус ишлаб чиқилган технологик карталари бўлиши шарт. Ушбу технологик карталарда таомларнинг таркибий қисмлари, энергетик қиймати оқсил, ёғ ва углеводларни миқдори, тайёрланган таомни ҳажми кўрсатилган бўлиши керак. Тайёр технологик карталардан фойдаланиш овқатнинг кимёвий таркибини осонгина ҳисоблаб чиқилиши, керак бўлганда бир таомни ўзига тенг бўлган бошқа бир таом билан алмаштиришга ва болаларнинг овқатланиш сифатини кундалик назорат қилиш имконини беради.

Баъзи маҳсулотлар бўлмаганда улар бошқа маҳсулотлар билан алмаштирилади. Бунинг учун мазкур Талабларнинг [4-иловасига](#) мувофиқ маҳсулотларни алмаштириш жадвалидан фойдаланилади.

6. Таомни түғри тайёрлаш ва тайёр таомни ҳажми нормага мувофиқ чиқиши учун мазкур Талабларнинг **5-иловасига** мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларининг дастлабки ва иссиқлик ишловини беришда оғирлик йўқотиш микдори жадвалидан фойдаланилиши мумкин.

Овқатланишни ташкил этиш учун масъул ходимлар овқатлананаётган болалар ҳисобини «Болаларнинг давоматини ҳисобга олиш журнали»да олиб боришади.

Ҳамшира ҳар куни кейинги кун учун таомнома тақсимотини эрталабки соат 8:00 дан 9:00 гача болалар давомати юритиладиган журналда қайт этилган болалар рўйхати асосида тузилади. Ишчи ходимлар учун алоҳида таомнома тузилади.

Эрталаб соат 8:00 да ҳамшира гурухлардаги тарбияланувчиларнинг ҳақиқий сонини текширади, буюртмани расмийлаштиради ва уни ошхонага тақдим қиласди.

Нонушта вақтида болалар сони тузилган таомномага нисбатан ортиқ бўлиб ёки камайган ҳолатларда ҳақиқатдан тарқатилган таомлар тўғрисида далолатнома тузилади ва тушлик хамда иккинчи тушлик учун таомлар сони келган болалар сонига мос равища тайёрланади.

Кейинги овқатларни истеъмол қилиш вақтида (2 нонушта, тушлик, 2 тушлик, кечки овқат) мактабгача таълим ташкилотларида бўлмаган болалар овқатланиш рўйхатидан чиқарилади ва ортиб қолган маҳсулотлар далолатнома асосида омборхонага қайтарилади. Агар тушликни тайёрлаш учун ажратилган маҳсулотлар болаларни овқатланиш технологияси бўйича дастлабки ишловидан ўтган бўлса омборхонага куйидагилар қайтарилмайди:

мол, қўй, парранда, қуён гўшти ва балиқ, чунки уларни соат 7:30 да ишлатишдан олдин музи эритилади.

иссиқлик ишловидан ўтган сабзавотлар;

фойдаланиш муддати бундан бўён сақлашга имкон бермайдиган сут маҳсулотлари .

Қайтарилиши мумкин бўлган маҳсулотларга тухум, томат пастаси, қандолат маҳсулотлари, сариёғ, ўсимлик мойи, шакар, ёрма, макарон, мева ва тозаланмаган сабзавотлар киради.

7. Иссик таомларни (шўрвалар, соуслар, иссиқ ичимликлар, асосий таомлар ва гарнирлар) тарқатилишидаги ҳарорати $+60 - +65^{\circ}\text{C}$ бўлиши лозим. Иссиқ таомларни ҳарорати ушбу кўрсаткичдан пасайғанда микрофлоранинг интенсив ўсишига олиб келиши, аксинча иссиқ таомларни ҳарорати ушбу кўрсаткичдан юқори бўлса болаларни оғиз бўшлигини куйишига олиб келиши мумкин.

Болалар орасида яллиғланишларни олидини олиш мақсадида болларга бериладиган салатлар ва ичимликларни ҳарорати $+15^{\circ}\text{C}$ паст бўлмаслиги керак.

Сут маҳсулотларини тарқатилишидаги ҳарорати эса $+15^{\circ}\text{C} \pm 2^{\circ}\text{C}$ (хона ҳарорати) бўлиши лозим, шунингдек, уларни тарқатилишидан олдин иситиш учун хона ҳароратида сақлаш бир соат ошмаслиги керак.

8. Болалар овқатланишини тўғри ташкил қилишда гурухлардаги барча шароит етарли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Болаларни ўzlарига мос идиш-товоқлар билан таъминланиши, стол атрофида ўтиришига қулай шароит яратилиши лозим. Таомлар ўта қайноқ ёки совук бўлмаган ҳолатда бўлиши керак.

9. Болалар овқат рационига кўкатлар (укроп, петрушка, салат япроғи, кўк пиёз, саримсоқ пиёз, шовул кабилар) кўпроқ киритилиши зарур. Янги кўкатлар, сабзавотлар овқатни витаминга бойитади ҳамда унга чиройли кўриниш ва алоҳида маза беради. Ишлатишдан олдин кўкатлар тоза оқар сувда, боғичидан ечилиб яхшилаб ювилади ва 3 фоизли сирка кислотаси ёки 10 фоизли ош тузи эритмасига 10 дақика давомида солиб қўйилади, сўнгра оқар сувда қайта ювиб қуритилади.

10. Ёз кунлари болаларнинг суюқликка бўлган эҳтиёжи ортади. Ичиш учун янги қадоқланган ёки қайнатилган сув, наматак дамламаси ёки ҳўл мевалардан тайёрланган унча ширин бўлмаган компотлар берилиши мумкин. Ичимлик болаларга сайдан кейин, сув муолажаларидан аввал таклиф қилинади. Узоқ давом этадиган экспурсия вақтида тўхталганда ҳам болаларга маълум бир микдорда ичимлик берилиши керак. Экскурсияга чиқилганда тарбиячилар ўzlари билан қайнатилган ёки қадоқланган сув олишлари керак.

Киши-баҳор мавсумида қуритилган мевалар (олма, наматак, туршак) дан тайёрланган компотлар берилиши тавсия этилади.

2-боб. Болаларнинг мактабгача таълим ташкилотида бўлишига мувофиқ овқатланишни ташкил қилиш

11. Болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларида (гурухларда) бўладиган вақти қуйидагича бўлиши мумкин:

болалар 3-4 соат бўладиган гурухларида — кундузги уйқу ташкил этилмайди ва бир марталик овқатлантириш ташкил этилиши мумкин;

болалар 9 — 10,5 соат бўладиган гурухларида — тўрт марталик овқатлантириш ташкил этилиши ва кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак;

болалар 12 соат бўладиган гурухларида — беш марталик овқатлантириш ташкил этилиши, кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак;

Мактабгача таълим ташкилотларининг болалар кечаю кундуз бўладиган гурухларида кундузги ва тунги уйқу хамда беш марталик овқатлантириш ташкил этилиши учун шароитлар яратилган бўлиши керак.

12. Болаларни овқатлантиришни ташкил этишда овқатлантириш тартибиға қатъий амал қилиниши мухим аҳамиятга эга. Овқатланиш вақтига қатъий амал қилиниши шартли овқатланиш рефлексини ҳосил бўлишини таъминлайди, яъни керакли овқатни ҳазм қилиш шираларини ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

Болалар тартибсиз овқатлантирилганда улардаги овқатланиш рефлекси сўнади, иштаҳаси пасаяди ва овқат ҳазм қилиш аъзоларининг фаолияти бузилади. Илк ва мактабгача таълим ёшида болалар ошқозонида овқатнинг ҳазм бўлиш жараёни 3,0 — 3,5 соат давом этади. Бу жараён охирига етганда ошқозон бўшайди ва болада иштаҳа пайдо бўлади.

Физиологик нуқтаи назардан тўғри овқатланишнинг асосий тартиби қуйидагича:

Нонушта	08:30 — 09:30
Иккинчи нонушта	10:30 — 11:00
Тушлик	12:00 — 13:00
Иккинчи тушлик	15:30 — 16:00
Кечки овқат	18:30 — 19:00
Кечки тамадди	20.00 — 20.30

13. Қисқа муддатли гурухлар учун санитария қоидалари ва нормаларига мос шароитда енгил тамадди (бутерброд ва булочкалар) ва иссиқ ичимлик (чой, какао, сут ва табиий шарбат) берилиши мумкин.

90 ўринли ва ундан юқори қуввати бўлган мактабгача таълим ташкилотларида овқатланиш учун алоҳида зал ташкил этилиши керак. Бунда идишларни ювишда алоҳида ванналардан ёки идиш ювиш машинасидан фойдаланилади. Ошхонага киришда ҳар бир 20 нафар болага 1 та қўл ювгич ўрнатилади ва суюқ совун хамда шахсий сочиқ билан таъминланади (бир маротаба ишлатиладиган қоғоз салфеткаларни бўлиши тавсия этилади).

3-боб. Ошхонага маҳсулотларни етказиб бериш ва сақлашга қўйиладиган гигиеник талаблар

14. Ошхоналарни тузилиши, ускуналар билан жиҳозланиши умумий овқатланиш бўйича санитария қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

15. Технологик жиҳозлар, анжомлар, идишлар санитария-эпидемиология талабларига мос материаллар пўлат ва дюралюминийдан тайёрланган бўлиши лозим, шунингдек улар хом ва пиширилган маҳсулотлар учун алоҳида белгиланади.

16. Ошхонадаги идишлар чинни (тарелка, коса, пиёла), қошиқ, санчқи ва пичноқлар эса зангламайдиган пўлатдан бўлиши лозим.

Ёрилган, чети учган, эмали кўчган, деформацияланган, алюмин, пластмассадан тайёрланган идишлардан фойдаланиш мумкин эмас.

17. Озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш столларининг қопламаси яхлит, зангламайдиган пўлат ёки гигиеник материал билан қопланган бўлиши шарт.

18. Хом ва пишган маҳсулотлар учун стол, пичоқ ва тахтакачлар алоҳида бўлади. Тахталарнинг юзаси текис, ёрilmаган бўлиб, қаттиқ дараҳт навларидан ишланади. Пластмасса ва прессланган фанерлардан ишланган тахта ва тахтакачлардан фойдаланиш мумкин эмас.

Гўштни майдалаш учун қаттиқ дараҳт навидан тайёрланган ёғочли мослама (тахта) ишлатилади. У металл тагликка ўрнатилиши мумкин. Ишлатилгандан сўнг ёғочли мослама пичоқ билан тозаланиб, устига туз сепилади, ёғочли мосламанинг ён атрофлари иссиқ сув билан ювилади, ёғочли мосламанинг устки қисми нотекис бўлиб қолганда бир қатлами олиб ташланади.

19. Ишлатиш турига қараб стол, тахта ва пичоқлар ўчиб кетмайдиган, ишлов беришга чидамли бўёқ билан маркировка қилинади, хом ва пишган маҳсулотлар учун алоҳида-алоҳида бўлади (ХГ (хом гўшт), ПГ (пишган гўшт), ХБ (хом балиқ), ПБ (пишган балиқ), ХС (хом сабзавот), ПС (пишган сабзавот), Г (гастроном маҳсулотлар: пишлок, сариёғ, термик ишловсиз берилаётган маҳсулотлар), Н (нон), Х (хамир) учун).

20. Таомларни пишириш ва сақлаш учун зангламайдиган пўлатдан ишлаб чиқилган идишлардан фойдаланилади. Алюминий ва дюралюминийдан ишлаб чиқилган идишлардан таомларни пишириш ва қисқа муддатда сақлаш учун фойдаланиш мумкин. Табиий мева қайнатмалари (компотлар) зангламайдиган пўлатдан қилинган идишида тайёрланади. Сутни қайнатиш учун алоҳида идишлар ажратилади.

21. Болалар сонига идишлар комплекти тўғри келиши зарур ва овқатланиш вақтида бир бола учун битта идиш комплекти ишлатилади. Овқатланиш вақтида ушбу идишларни ювиш ва ювилган идишда бошқа болаларга таом бериш мумкин эмас. Захирада ҳар бир болага 2 та идиш жамламаси бўлиши керак (битта жамламада — биринчи овкат ва бўтқалар учун коса, тарелка, салат учун идиш, пиёла ёки бокал, чой ва ош қошиги)

22. Ювиш ва заарсизлантирувчи воситаларни ишлатишдан олдин барча ходимлар ишлатиш қоидалари билан таништириллади (ишлатилаётган воситани хусусиятлари ҳисобга олинади).

23. Ювиш ва заарсизлантириш воситалари алоҳида шамоллатиладиган, курук хоналарда маҳсус ёрлик ёпиширилган идишларда сақланади. Тайёрланган эритмалар қорайтирилган шиша идишларда, оғзи маҳкамланган ҳолатда нам ва ёруғликдан ҳимояланган тартибда 5 кундан ошмаган муддатда сақланади. Заарсизлантирувчи воситаларни озиқ-овқат бўлинмасида сақлаш мумкин эмас.

24. Сабзавотлар, мевалар, гўшт ва бошқа маҳсулотларни ювиш учун зангламайдиган пўлат, алюминий ёки дюралюминий металдан ишлаб чиқилган 2 секцияли ванналардан фойдаланилади. Ошхона идишларини ювиш учун хам камида 2 секцияли ванналардан фойдаланилади. Ванналарга иссиқ ва совук сув уланган бўлиши керак. Иссиқ сувнинг ҳарорати 65°C дан паст бўлмаслиги ва сифати давлат стандарти талабларига мос келиши лозим.

25. Таом пишириладиган қозонлар овқат тарқатиб бўлганидан сўнг овқат қолдиқларидан тозаланади ва ҳарорати 40°C дан паст бўлмаган иссиқ сувда идиш ювиш воситалари солиб ювилади. Сўнгра қуритилиб юқори қисми пастга қилиб ағдарилилган ҳолатда панжараларда туриши лозим. Ювилган тоза ошхона идишлари полдан 0,5 метр баландликда панжаралар (стелаж)да сақланади.

26. Тахтакачлар ва тахтадан тайёрланган майда ошхона анжомлари (куракча, аралаштиргич ва бошқалар) биринчи ваннада ювиш воситаси қўшилган ҳарорати 50°C бўлган иссиқ сувда ювилади. Кейин ҳарорати 65°C дан паст бўлмаган иссиқ сувли иккинчи ваннада чайиб олинади ва қуритилади.

27. Металдан ишланган анжомлар ювилгандан сўнг қовуриш шкафида қиздирилиб қуритилади. Гўшт қиймалагич ишлатилгандан кейин қисмларга ажратилиб ювилади, қайнаб турган сувда чайилади ва яхшилаб қуритилади.

28. Истеъмол идишлари овқат қолдиқларидан механик усулда тозаланганидан сўнг ювиш воситаси солинган, ҳарорати 45°C дан паст бўлмаган сувда (биринчи ваннада) ювилади, сўнгра ҳарорати 65°C даражадан паст бўлмаган иссиқ сувда чайилади (иккинчи ванна) ва

махсус панжараларда (стеллажлар) куритилади. Идишларни заарсизлантирилиши (воситада ивитиб қўйиш) эпидемиологик кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

Идишларни ювиш ва қуритишида электр идиш ювиш машиналаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Идишлар махсус қуритгичда вертикал ҳолатда сақланади.

29. Чой идишлари қайноқ сувда заарсизлантириш воситалари ёрдамида биринчи ваннада, сўнгра оқиб турган қайноқ сувда иккинчи ваннада чайиб қуритилади.

30. Идиш-товоқларни ювишда кир ювиш кукуни, сунъий синтетик мато (мочалка) ишлатилмайди. Ювиш учун кўпирувчи воситалар, металл ва пластмасса шёткалардан фойдаланилиши мумкин. Идиш товоқларни ювиш учун металлдан тайёрланган шёткалар, столларни артиш учун дока ёки мато 15 дақиқа қайнатилади ёки 0,5 фоизли хлорли эритмада 30 дақиқада бўктирилади, тоза сувда чайилиб қуритилади ва махсус идишларда сақланади. Юувучи ва заарсизлантирувчи воситалар махсус жойларда сақланади. Ювиш бўлимларида идиш товоқ ва жиҳозларни ювиш тартиби йўриқномаси махсус ўриндиққа осиб қўйилади.

Ошхона жиҳозлари механик тозалашдан сўнг ювиш воситалари ёрдамида ювилади (биринчи ваннада) ва оқиб турган иссиқ сув билан чайилади (иккинчи ваннада). Тоза ошхона жиҳозлари вертикал ҳолда металл кассеталарда сақланади.

31. Ошхонадаги овқат қолдиқлари қопқоқли металл чеъак ёки бакларга йифилади, 2/3 қисми тўлиши билан бўшатилади. Ҳар куни металл чеъак баклар куннинг охирида тўлиш ёки тўлмаслигидан қатъий назар идиш ювиш хонасининг алоҳида жойида шланг ёрдамида 2 фоизли кальцийли сода эритмасида ювилади. Сўнгра иссиқ сувда чайилади ва қуритилади.

32. Озиқ-овқат бўлинмаси хоналарининг девори, пол, радиатор, дераза токчалари ҳар куни исдан ва чангдан тозаланиб, юувучи воситалар ёрдамида тозаланади. Ҳафта охирида барча хона, жиҳоз, асбоб-ускуна ва анжомлар дезинфекция қилиниб, заарсизлантирилганидан сўнг мукаммал тозалаш ишлари ўтказилади.

33. Ҳар чоракда ёки зарурият туғилганда озиқ-овқатлар бўлинмаларидағи пашша, суварак ва кемирувчиларга қарши профилактик дезинсекция ҳамда дератизация тадбирлари ўтказилади.

34. Озиқ-овқат махсулотларини махсус транспортларда ташиб келтиришда уларнинг бутлиги сақланган ҳамда заарланмайдиган шароитда амалга оширилади.

35. Тез бузилувчи озиқ-овқат махсулотларини транспортларда ташиб келтириш маркировкаланган, усти беркитиладиган (қопқоқли) идишларда амалга оширилади. Йилнинг иссиқ фаслларида сифати тез бузиладиган озиқ-овқат махсулотларини совутгич ўрнатилган, $+2\text{--}+6^{\circ}\text{C}$ ҳароратни сақлаб туришга мўлжалланган транспорт воситаларида ташиб келтирилади. Махсулот ортилган жойдан мактабгача таълим ташкилотигача йўл вақти 2 соатдан ошмаслиги керак.

36. Озиқ-овқат махсулотлари ва хом-ашёларни етказиб берувчи шахснинг махсулотларни юклаш ва тушириш учун махсус кийими (халат, қўлқоп) бўлиши, тиббий кўрикдан ҳамда лаборатор текширувидан ўтган бўлиши, шунингдек шахсий гигиена талабларига амал қилиши шарт.

37. Озиқ-овқат ташиладиган транспорт тоза ҳолатда бўлиши лозим, унда инсонлар ёки бошқа юкларни ташиш мумкин эмас.

38. Озиқ-овқат махсулотлари ташиладиган транспорт ҳар куни ҳайдовчи томонидан тозаланади, хўжалик юритувчи субъект томонидан 10 кунда 1 маротаба заарсизлантирилади.

39. Озиқ-овқат махсулоти ташиладиган идишларга махсус белгилар қўйилади, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Озиқ-овқат махсулоти ташиладиган идишлар ишлатилгандан кейин 2 фоизли калций сода эритмаси билан ювилади (1 литр сувда 20 г заарсизлантирувчи воситалар эритилади), қайнатилган сувда буғланади, қуритилади ва ифлосланмайдиган жойларда сақланади. Уларга ишлов бериш махсулот етказиб берувчи томонидан махсус хоналарда ўтказилади. Хом ашёларни ташиш учун ошхона жиҳозларидан фойдаланишга руҳсат этилмайди.

40. Барча олиб келинаётган озиқ-овқат махсулотларининг мувофиқлик гигиеник сертификатлари бўлиши лозим.

Гўшт корхона, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар билан олдиндан тузилган шартнома асосида эпизоотик барқарор бўлган ҳудудлардан, тамгаланган, ветеринария хизматининг категорияси кўрсатилган маълумотномаси ва сертификатга эга бўлган ҳолда олиб келинади.

Парранда гўшти 1 ҳафтада болаларга 3 мартадан ортиқ берилмайди.

Сабзавотлар, мевалар ва полиз экинларидағи пестицид ва минерал ўғитларнинг микдори тўғрисида маълумотномаси бўлиши шарт.

Келтирилган сут ветеринария хизматининг фермер хўжаликлидаги эпизоотик вазият тўғрисида хulosаси билан қабул қилинади.

Тухумлар ветеринария хизматининг фермер хўжаликлида салмонеллёз мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумоти билан қабул қилинади.

Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг кузатув ҳужжатларида ишлаб чиқарилган сана белгиланган бўлиши шарт.

41. Келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини мактабгача таълим ташкилоти бракераж комиссиясининг барча аъзолари текширади, текширувдан сўнг тиббиёт ходими хulosани бракераж журналига қайд этади, мазкур Талабларнинг [8-иловасига](#) мувофиқ. Рухсати берилмаган, ҳужжати бўлмаган, сифати айниган, сақлаш ҳарорати бузилган ва муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари қабул қилинмайди ([8](#), [12](#), [13-иловалар](#)).

42. Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари санитария қоидаларига амал қилинган ҳолда совутгич камералари ва совутгичларда +2—+6°C ҳароратларда сақланади. Совутгич камераларида ва совутгичларда ҳароратини назорат қилиш учун мазкур Талабларнинг [9-иловасига](#) мувофиқ термометрлар ўрнатилади.

Совутгич камераси битта бўлган тақдирда гўшт, балиқ ва сут маҳсулотлари сақлаш жойлари маҳсус ясалган полкалар билан ажратилади, улар енгил ювилиши учун мос бўлиши керак.

43. Товуқ ва балиқ етказиб берувчининг маҳсус тараларида белгиланган стеллажларда сақланади.

44. Сут қайнатилгунча келтирилган идишида сақланади.

45. Сариёф корхонанинг маҳсус қадоғида ёки бўлинган ҳолда пергамент қофозига ўраб, контейнер ва лотокларда сақланади. Йирик пишлоклар тоза стеллажларда (пишлоклар тахланаётганда картон ёки фанер билан ажратилади), кичик ҳажмдаги пишлоклар токчаларда, истеъмол тараларида сақланади.

46. Сметана ва творог қопқоқли тараларда сақланади. Қошиқ ёки куракчаларни сметана ва творог сақланаётган идишларда қолдирилиши тақиқланади.

Тухумлар хом гўшт учун совутгичларда алоҳида токчаларда полимер идишларда 14 кундан ортиқ бўлмаган муддатда сақланади, кишида улар курук салқин омборхоналарда маҳсус тагликлардаги қутиларда ёки кассеталарда, алоҳида токчаларда, расталарда +20°C дан ортиқ бўлмаган ҳароратда сақланади. Тухумлар фақат ишлатишдан олдин тозалаб ювилади. Тухумларга ишлов бериш маҳсус жойда, белгиланган ванналар ва (ёки) идишлар ёрдамида амалга оширилади. Тухумлар тўлиқ эритмага ботирилади, бунда маҳсус контейнерлардан фойдаланиш мумкин. Бунда 1-2 фоизли илиқ сода эритмасига солинади, рухсат этилган зарарсизлантируви воситалар эритмасида зарарсизлантириллади (ишлаб чиқарувчининг йўриқномаларига мувофиқ), камида 5 дақиқа давомида оқар сувда чайилади ва белгиланган тоза идишларга терилади. Тухумни ювиш ва зарарсизлантиришда бошқа воситалардан фойдаланилганда унинг қўлланмасига амал қилган ҳолда ишлатилади.

Тозалangan тухумлар ошхонада белгиланган идишларда сақланади. Тухумларни олиб келинган кассеталар ошхонада сақланмайди.

47. Ёрмалар, ун ва макарон маҳсулотлари курук хоналарда, қолларда ёки озиқ-овқат маҳсулотлари учун маҳсус идишларда таглик ёки панжаралар устида полдан 15 см баландликда, девор билан озиқ-овқат маҳсулотлари ораси 20 смдан кам бўлмаган масофада сақланади.

48. Нон стеллаж ва шкафларда пастки қавати полдан кам бўлмаган ҳолда сақланади. Шкафларнинг эшикларида ҳаво ўтиши учун тешиклар бўлиши керак. Нон сақлаш жойлари тозаланганда нон увоқлари махсус шёткалар билан супирилиб, полкалар 1фоизли сирка билан намланган матода артилади.

49. Картошка ва илдизли сабзавотлар қуруқ, қоронғу хоналарда сақланади. Карам омборхона расталарида, кўкат ва мевалар сақлаш идишларида салқин жойларда ҳарорати $+12^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлмаган ҳолатда сақланади.

50. Нохуш ҳиди бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ўзига ҳид тортувчи озиқ-овқат маҳсулотларидан (сариёғ, шакар, туз, тухум, чой, пишлок) алоҳида сақланиши керак.

51. Флягада келтирилган сут ишлатишдан олдин 2-3 дақиқа қайнатилади. Қайнатилгандан кейин сут совутилади ва қопқоқли идишларда сақланади.

52. Озиқ-овқат маҳсулотларининг озуқавий қийматини сақлаш ва улардан заҳарланишининг олдини олиш учун таом тайёрлаш технологиясига амал қилиниши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотларини таомнома тақсимоти асосида қозонга солиниши тиббиёт ходими назоратида амалга оширилади. Донали таомлар тайёрланаётганда иссиқлик ишлови берилмасдан олдин оғирлиги тарозида ўлчанади. Пишириклар, омлет, рулет таомнома тақсимотида кўрсатилган оғирлиги бўйича кесилади. Суюқ таомлар микдорига қараб, гарнир эса оғирлигига қараб тарқатилади.

53. Таом пиширилишида қайнатиш, пишириш, тоблаб пишириш, жазлаш, димлаб пишириш, буғда пиширишнинг ўзига хос бўлган технологик жараёнга амал қилиниши керак. Таом тайёрлашда ёғда чўмдириб қовуриш усули қўлланилмайди.

54. Озиқ-овқат маҳсулотларига пазандачилик ишлови беришда таомнинг технологик харитасида ёритилган тайёрланиш технологиясига тўлиқ амал қилинади.

55. Таомларни тайёрлаш жараёнида ошпазлар маҳсулотларга қўлини теккизмай махсус қолқоплардан, ошхона анжомларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

56. Ёрмаларда бегона аралашмалар бўлмаслиги керак. Ёрмалар ишлатилишидан олдин кўздан кечирилади ва оқиб турган сувда ювилади.

57. Иссиқ таомларни (суюқ таомлар, соуслар, қайноқ ичимликлар, иккинчи таомлар ва гарнирлар) ҳарорати тарқатилиш пайтида $+60\text{--}65^{\circ}\text{C}$ даражада, салатлар, ичимликларни ҳарорати $+15^{\circ}\text{C}$ даражадан паст бўлмаслиги лозим.

58. Тайёр биринчи ва иккинчи таомларнинг плитада сақланиш вақти 2 соатдан ошмаслиги керак. Таомларни қайта иситишга руҳсат этилмайди.

59. Сабзавотларга ишлов беришда кўйидаги талабларга амал қилиш керак:

сабзавотлар сараланади, ювилади, тозаланади, тозаланган сабзавотлар кам микдорда сузгич ва сеткаларда оқиб турган сувда 5 дақиқа қайта ювилади;

оқ бошли карамларни ташқи япроқлари тозаланади;

сабзавотлар қозонга солишдан 30 дақиқадан олдин пўстлоғини тозаланади;

тозаланган картошка, илдизли сабзавотлар ва бошқа сабзавотлар қорайиб қолмаслиги учун совуқ сувда 2 соатдан ортиқ сақланиши мумкин эмас.

60. Витаминлар манбаи бўлган япроқли сабзавотлар ва кўқатлар ишлатилишидан олдин кўйидаги ишловлар берилади:

сувда тозалаб ювилади;

3 фоизли сирка ёки 10 фоизли ош тузи эритмасида 10 дақиқа ушлаб турилади;

оқиб турган сувда чайилади;

куритилади;

биринчи таом пишишидан 5 дақиқа аввал қозонга солинади.

61. Салатларни тайёрлаш ва аралаштириш уларнинг тарқатилишидан аввал бажарилади.

62. Салат мойи тарқатилишидан олдин қўшилади.

63. Салатларни тайёрланишида ўсимлик мойидан фойдаланилади.

64. Салатларга сметана ва майонезлар солиниши мумкин эмас.

65. Тайёрланган салатлар $4(\pm 2)^\circ\text{C}$ даражада 30 дақиқадан ошмаган муддатда сақланиши мүмкін.

66. Мевалар, шу жумладан, цитруслар совук цехларда ёки иккінчи марта сабзавотларга ишлов бериш цехларидан тозалаб ювилади.

67. Қадоқланган қатық ва кефирлар истеъмолга берилишидан олдин түғридан-түғри пиёлаларга солинган ҳолда тақсимланади.

68. Профилактика мақсадида микронутриентлар (витамин ва минерал моддалар) етишмовчилигининг олдини олишда болаларнинг овқатланишида витамин ва минералларга бой бўлган нон (буғдой, жавдар, маккажӯхори, сули унидан тайёрланган нонлар), табиий қуритилган мева ва сабзавотлардан тайёрланган ичимликлар ишлатилади.

69. Нонушта иссиқ таомдан (бўтқа, пишириқлар, творог ва тухумли таомлар), бутерброд, какао, кисел ва сутли чойдан иборат бўлади.

Иккінчи нонуштага мева, сабзавотлар, қатық ёки кефир, сузма, шифобахш дамламалар берилади.

Тушлик ўз ичига салат (салат ёки сабзавотлар), биринчи таом (суюқ овқат), иккінчи таом (гарнир, гўштли, балиқли, товуқ гўштли ёки сабзавотли, ёрмали таомлар), ичимликлар (шарбат, кисел, компот, қайнатилган, фильтрлаган ёки қадоқланган сув)ни олади.

Иккінчи тушлиқда сут, қатық ёки кефир, чой, булочка еки унли қандолат маҳсулотлари (кремсиз), творогли, пишлокли, гўштли, ёрмали пишириқ ва таомлар берилиши мүмкін.

Кечки овқат қуйидаги таомлардан иборат бўлиши мүмкін: балиқли, гўштли, сабзавотли ва творогли таомлар, салатлар ва иссиқ ичимликлар.

Кечки тамадига: қатық ёки кефир, меваларни бериш тавсия этилади.

70. Озиқ-овқат маҳсулотларига пазандалик ишловини беришда таом тайёрлаш технологияси талабларига қатъий амал қилиниши керак:

шўрва ва бульонлар мол, кўй, парранда ва балиқ гўштидан тайёрланади;

гўшт, парранда, қуён, балиқ қиймасидан тайёрланган котлетнинг икки томони қиздирилган ёнда 5 дақиқа давомида $150 - 160^\circ\text{C}$ қовурилиб, шундан сўнг $250 - 280^\circ\text{C}$ ҳароратда 5 — 7 дақиқа давомида қовуриш шкафида тайёр ҳолатга келтирилади;

қайнатилган гўштдан (парранда, курка, қуён, балиқ гўшти)дан тайёрланган иккінчи таомлар, шунингдек, биринчи таомларга қўшиб бериладиган майданланган гўштни 5 — 7 дақиқа бульонда қайнатиб иккінчи термик ишлов берилади ҳамда 75°C ҳароратда бульон тарқатилгунга қадар кўпи билан 1 соат сақланади;

қўймоқ $2,5 - 3$ см қатламда тайёрланиб, $180 - 200^\circ\text{C}$ ҳароратда 8 — 10 дақиқа давомида қовуриш шкафида тайёр ҳолатга келтирилади.

тухум сув қайнаганидан сўнг 10 дақиқа қайнатилади, тухум ҳар қандай таомга ишлатишдан олдин санитария қоидаларга амал қилган ҳолда яхшилаб ювилади;

гарнир учун макарон ва гуруч маҳсулотлари ювилиб миқдорига нисбатан 6 баробар кўп миқдордаги сувда қайнатилади, қайнатилган гарнир қайта ювилмайди;

творогли запеканкалар қовуриш шкафида $220 - 280^\circ\text{C}$ ҳароратда 20 — 30 дақиқа давомида тайёрланади, тайёр таомнинг қалинлиги 3-4 см дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

71. Сабзавотларга пазандалик ишлови беришда уларнинг таркибидаги витаминларни сақлаб қолиш учун қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

сабзавотларнинг пўстлоғи бевосита таом тайёрлашдан олдин арчилади;

сабзавотлар қайнаб турган сувга солинади;

сабзавотларни қозонга солишдан олдин ивитиб қўйиш мүмкін эмас.

Биринчи таом учун сабзавотлар ювилиб бўлаклангач қайнаб турган қозонга солинади. Кўкатлар таом пишишига 5 дақиқа қолганда қозонга солинади;

Мевалар истеъмол қилинишидан олдин яхшилаб ювилиб тарқатилади.

Ўтган йилги ҳосилдан қолган хом сабзавотлардан фойдаланиб салатларни тайёрлашга фақат жорий йилнинг 31 март кунига қадар руҳсат этилади.

Салатларни тайёрлашга мўлжалланган сабзавотлар дастлаб ювилади, сўнгра пўстлоғи билан қайнатилиб совутилади кейин қайнатилган сабзавотларни пўстлоғи арчилиб, қайнатилган маҳсулотларга ишлов бериш столида бўлакларга ажратилади.

Таом тайёрлаш учун ишлатиладиган сабзавотларни олдиндан қайнатиб қўйилиши мумкин эмас.

72. Таом тайёрлаш учун фақат давлат стандарти талаблари мувофиқ бўлган йодланган туздан фойдаланилади.

73. Ҳамшира тайёрланган таомларнинг органолептик хусусиятларини мазкур Талабларнинг **10-иловасига** мувофиқ ўрганиб, таомнинг таъми, сифати талаб даражасида эканлиги тўғрисида мазкур Талабларнинг **8-иловасига** мувофиқ тўлдириладиган таомларни сифатини назорат журналига қайд қилганидан сўнг тарқатишга рухсат берилади. Таомнома тақсимотида кўрсатилган 1 порциянинг ҳажми ва оғирлиги таомномада белгиланган миқдорга мувофиқ бўлиши лозим. Таомлар тайёрланишининг технологик жараёни бузилганда, шунингдек, таомлар сифатсиз тайёрланганда, унинг сабаби юзасидан қайд этилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан кейин тарқатишга рухсат берилади.

74. Ҳар куни тайёрланган таомлардан кунлик синама қўйидаги миқдорда олиниши лозим:

порцияли таомлари тўлиқ ҳажмда;

биринчи таом, гарнирлар, учинчи таомлар 100 гр дан кам бўлмаслиги лозим.

Кунлик синамалар нохуш эпидемик вазиятларда микробиологик текширув ўтказиши мақсадида стерил шиша идишларга олинади. Кунлик синамалар қопқоқли идишларга (гарнир ва салатлар алоҳида идишларга) олинади ва 24 соат давомида маҳсус совутгичларда ёки сут маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган сувутгичларнинг синама сақлаш учун маҳсус ажратилган қисмida +2-6°C ҳароратда сақланади.

Жума ва шанба кунлари олинган кунлик намуналар душанба кунигача сақланади. Муқаддам олинган кунлик намуналар бугун олинган синамалар (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) билан алмаштирилади.

Кунлик синамаларни олиш ва уларнинг сақланишини назорати тиббий ходимлар томонидан амалга оширилади.

4-боб. Асосий назорат услублари

75. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлов бериш ёки термик ишлов бериш жараёнида йўқотиладиган миқдор мазкур Талабларнинг **5-иловасига** мувофиқ аниқланади.

76. Таомларнинг энергетик қийматини ҳисоблаш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби эса мазкур Талабларнинг **7-иловасига** мувофиқ ҳисобланади.

77. Ҳамшира кундузги таомларнинг кимёвий таркибини ҳисобга олган ҳолда отаоналарга кечки овқатда уйда болаларга қандай таом берилиши юзасидан тавсиялар беради.

78. Тайёрланган таомнинг умумий миқдори болалар сонига мос келиши керак. Тайёрланган таомнинг соғ оғирлигини назорат қилиш озиқ-овқат маҳсулотларига дастлабки ва термик ишлов берилганда йўқотиладиган оғирлигининг нормаларига мувофиқ амалга оширилади (мазкур Талабларнинг **5-иловаси**). Тайёрланган таомнинг сифати органолептик усулда баҳоланади.

79. Тайёр таомлар тиббиёт ходими томонидан таомлар сифатини назорат қилиш журналида тарқатилишига рухсат этилганлиги тўғрисидаги ёзув қайд этилганидан сўнг тарқатилади.

